



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 10 август, № 164 (7122)

Жума

Сайтимиға Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХУДУДЛАР ОБОДЛИГИ ВА ТОЗАЛИГИ — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 август кунги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва тозалликка риоя қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги “2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, илгари эгасиз бўлган мазкур соҳада ягона тизим шакллантирилди. Соҳага қаратилган эътибор самарасида аҳолининг чиқинди ташвиш хизмати билан қамраб олиш даражаси жорий йил охирига қадар 62 фоизга (20 миллион) етиши кутилмоқда.

Вахолонки, бу кўрсаткич 2016 йилда, бор-йўғи, 22 фоиз бўлган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ташкил қилинган “Тоза ҳудуд” корхоналари жорий йилнинг етти ойида 49 миллиард сўм даромад олишга эришди. Жойларда чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари қурилмоқда.

Қарор ижроси доирасида чиқинди олиб чиқиш ҳудудларини тадбиркорларга электрон аукцион йўли билан бириктириш тартиби жорий этилган, фаолиятта тадбиркорларни давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш механизми яратилди, полимер плёнкали пакетлар ишлаб чиқариш, сотиш ва импорт қилишда чекловлар ўрнатилди, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари берилди.

Йиғилишда мазкур йўналишдаги ишлар ҳали етарли эмаслиги, яна қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, жорий йилда “Тоза ҳудуд” корхоналарига 210 та янги махсус техника харид қилинган. 2019 — 2021 йилларда яна 590 та махсус техника олиш режалаштирилган. Бу чиқинди ташвиш хизмати кўрсатиш даражасини 83 фоизга етказиш имконини беради.

Бу борадаги ишлар қўламини

янада кенгайтириш учун Инвестициялар бўйича ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарига уч ой мuddатда Осий тараққиёт банкнинг кредити ҳисобидан яна 500 та махсус техника харид қилиш бўйича лойиҳа таклифини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Чиқиндини йиғиштириш ва бунинг учун тўлов ундириш борасида ҳам муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Қайд этилгандек, мамлакатимизда аҳоли жон бошига чиқиндини йиғиштириб олиш учун тўлов 2 000 сўм ёки 25 центни ташкил қилади. Бу эса соҳага тадбиркорларни кенг жалб қилиш имконини бермапти.

Хорижий давлатларда чиқиндини йиғиштириб олишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари кенг жорий этилган. Тадбиркор фақат чиқиндини йиғиштириб олади, маҳаллий ҳокимият эса кўрсатилган хизмат ҳажмига қараб тўловни амалга оширади.

Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси раҳбариятига чиқиндини йиғиштириб олишга давлат-хусусий шериклини кенг жорий этишни кўзда тутувчи аниқ тақлифлар киритиш вазифаси топширилди.

Бунда чиқинди йиғиш учун ўрнатилган тарифларни қайта кўриб чиқиш, тўловларни ундиришни Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга ошириш, тушган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари махсус ҳисоб рақамидида жамлаш, тўпланган маблағни давлат-хусусий шериклик шартномаси асосида чиқинди ташвиш корхоналарига тўлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Йиғилишда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга кўра, бутун дунёда маиший чиқиндининг қамиди 65 фоизи қайта ишланади ва қатта фойда олинади. Афсуски, бу кўрсаткич бизда ўта паст. Хозирги кунда мамлакатимиздаги чиқинди полигонларида жами

18 миллион тонна чиқинди мавжуд. Йилига яна 4 миллион тоннадан қўшилиб бормоқда. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш, тайёр махсулот ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни тезроқ амалга оширишни талаб этади.

Чиқиндидан энергия олиш бўйича Охангарон туманида Жанубий Кореянинг “Сежин” компанияси билан ҳамкорликда 55 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш бошланган. Лойиҳага асосан, чиқинди полигонидан биогаз олиниб, 16 мегаватт ёки 10 минг хонадон истеъмолчи учун етарли электр энергияси ишлаб чиқарилади.

— Ана шундай истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш зарур, — деди Президентимиз. — Бунинг учун, аввало, соҳага хорижий инвесторлар нега кам қизиқиш билдирапти, деган саволга жавоб топишимиз керак. Чунки бунга тўсиқ бўлиб турган бир қатор тизимли муаммоларни ҳал этиш учун етарли иш олиб борилмапти. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Чиқиндини қайта ишлашда олинмаган муқоабил энергияни ягона электр энергетика тармоқларига узатиш, олинган энергия учун ҳисоб-китоб қилиш ва тарифлардаги фарқни қоплаш механизмлари ҳалигача жорий қилинмаган.

Таъкидланганидек, амалдаги тартибга кўра, ягона электр энергетика тизимига улашиш ва тўловларни амалга ошириш фақат қайта тикланувчи энергия манбалари учун белгиланган бўлиб, 1 киловатт/соат учун тўлов жуда кам — 2 центни ташкил этади. Келган инвестор шу саволларга жавоб ололмасдан, қайтиб кетишга мажбур бўлмоқда.

Молия, Иқтисодий, Ҳў-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти раҳбариятига икки ҳафта мuddатда юқоридаги муаммоларнинг ечимини юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарлар-

лиф киритиши керак. Бу тузилма полигонлар ва техникаларни тўғри эксплуатация қилиш, техникаларнинг жойларга чиқишини электрон бошқариш, хизматлар учун тушувлар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Худудларнинг тозаллигига жавоб берувчи яна бир тизим — ҳокимликлар қошидаги ободонлаштириш бошқармалари ишини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Хозир ушбу ташкилотлар моддий-техника базаси янги эмаслиги учун ҳокимликлар “Тоза ҳудуд” корхоналарининг асосий ишига салбий таъсир кўрсатиб, техникаларнинг мuddатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ободонлаштириш соҳасини методологик жиҳатдан таъминлаш ва ўтган асрдан қолган моддий-техника базасини яхшилаш ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунинг учун мутасаддиларга икки ой мuddатда ободонлаштириш бошқармалари фаолиятини ва муаммоларини жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиб, тизимни тубдан такомиллаштириш, жумладан, янги бошқарув тизимини жорий қилиш, методологик базасини қайта кўриб чиқиш, кадрлар тайёрлаш, давлат-хусусий шериклини жорий қилишга тақлиф киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир муҳим масала, айрим одамларда ҳалигача чиқиндини махсус белгиланган жойга ташлаш, ўз кўчаси ва ҳудудини озода сақлаш маданияти шаклланимагани қайд этилди. Шу боис ҳудудларни йиғиштириш тартибига янги қўшимчалар киритиш лозим.

“Тоза ҳудуд” корхоналари молиявий таъминоти фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ягона бошқарув тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти “Тоза ҳудуд” корхоналарини ишини самарали йўлга қўйиш бўйича қўмита тарихида алоҳида марказлашган тузилма ташкил этишга доир тақ-

лиф киритиши керак. Бу тузилма полигонлар ва техникаларни тўғри эксплуатация қилиш, техникаларнинг жойларга чиқишини электрон бошқариш, хизматлар учун тушувлар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Худудларнинг тозаллигига жавоб берувчи яна бир тизим — ҳокимликлар қошидаги ободонлаштириш бошқармалари ишини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Хозир ушбу ташкилотлар моддий-техника базаси янги эмаслиги учун ҳокимликлар “Тоза ҳудуд” корхоналарининг асосий ишига салбий таъсир кўрсатиб, техникаларнинг мuddатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ободонлаштириш соҳасини методологик жиҳатдан таъминлаш ва ўтган асрдан қолган моддий-техника базасини яхшилаш ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунинг учун мутасаддиларга икки ой мuddатда ободонлаштириш бошқармалари фаолиятини ва муаммоларини жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиб, тизимни тубдан такомиллаштириш, жумладан, янги бошқарув тизимини жорий қилиш, методологик базасини қайта кўриб чиқиш, кадрлар тайёрлаш, давлат-хусусий шериклини жорий қилишга тақлиф киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир муҳим масала, айрим одамларда ҳалигача чиқиндини махсус белгиланган жойга ташлаш, ўз кўчаси ва ҳудудини озода сақлаш маданияти шаклланимагани қайд этилди. Шу боис ҳудудларни йиғиштириш тартибига янги қўшимчалар киритиш лозим.

“Тоза ҳудуд” корхоналари молиявий таъминоти фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ягона бошқарув тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти “Тоза ҳудуд” корхоналарини ишини самарали йўлга қўйиш бўйича қўмита тарихида алоҳида марказлашган тузилма ташкил этишга доир тақ-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада омдалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини таъриба тарихасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизминини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой мuddатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

республикадаги барча умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни бошқичма-бошқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, ҳўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 9 август

## Махсус репортаж

### Аждар алангаси, манжур камончилари ва ўзбек маҳалласи

#### Хитойнинг энг йирик минтақасига сафар таассуротлари.

“Гўзал яйловлар”. Хитойнинг Шинжон-Ҳейгуан автоном районини (ШУАР) маъмурий маркази — Урумчи шаҳрининг номи қадимги мўғул тилида ана шу маънони англатади. Бу ерлардаги ўт-ўланлар қадимда қанчалар баланд ўсгани бизга қоронғу. Аммо кўниш учун шўнғитган самолётимиз иллюминаторидан кўриниб турибдики, бу яйловларда ҳозир қранлар, турли бошқа техникалар “ўтлаб юргандек”. Шаҳар ва бутун минтақа улкан қурилиш майдонига айланган.

Урумчи ҳақида гап кетганда, даставвал, ҳаёлга нима келади? Кўпинча бизнинг бозорларимизда сотилувчи қатта-қатта партиядаги товарларнинг ҳаммаси тўпланмаган жойни, умуман, савдогарлар маконини тасаввур қиламиз. Бу ер минтақамиздаги энг гавжум шаҳар эканлигини кўпчилик билмас ҳам керак. Урумчининг ўз кўзингиз билан кўрсангиз, бозорлар ва савдо-сотик — беш миллион аҳолиси бор мегаполис ҳаётининг бир кичик хижрати эканини англаб етасиз.

Европалик машҳур ёзувчилардан бири саёхатлар ҳақида гапириб, “Энг яхши мамлакатларга саёхат қилар экансан, ўз юртингни қандай обод қилишинг кераклигини билиб оласан. Тақдир тақозоси билан ёмон жойга бориб қолсанг, бу сени Ватанини севгишга ўргатади”, деган эди. “Ипақ йўлининг иқтисодий белбоғи” лойиҳасига

қўшилган 18 мамлакатдан келган 23 нафар ОАВ вакиллари халқаро анжуманда иштирок этиб, шундай имкониятларга эга бўлди. ХХР Давлат кенгаши матбуот-канцеляриясининг тақлифига биноан, Франция, Германия, Россия, Хиндистон, Покистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Канада, Миср, Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан етиб келган мехмонлар Хитойнинг Шимоли-Ғарби қандай яшаётганини кўрдилар, турли соҳаларнинг экспертлари ҳамда маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилишга мўяссар бўлди.

Бугунги Хитой бутун сайёра аҳлининг диққатини ўзига тортмоқда. Бироқ Ўзбекистон учун ушбу мамлакат алоҳида аҳамият касб этади. Республикаимиз Ташқи савдо вазирлигининг маълум қилишича, биринчи ярим йиллик якунларига кўра, ХХР 2,81 миллиард доллар савдо айланмаси билан Ўзбекистоннинг иккинчи асосий савдо шеригига айланди. Етақчи билан орадаги фарқ 0,1 фоиз — 20 миллион доллар, ҳолос. Яна бир муҳим ҳолат: Чин юртининг Шимоли-Ғарби, яъни Шинжон ўз табиати, иқлими, географияси билан Ўзбекистонга анча ўхшаб кетади. Демак, мушоҳада юритиш, таққослаш ва таҳлил учун хижатлар етарли.

3

## ҚАДОҚЛАНАЁТГАН ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

### табиийлигича тўлиқ сақланмоқда



Юқори Чирчиқ туманидаги мевасазавот махсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Asian Jam” масъулияти чекланган жамияти йил давомида бир маромад ишлаши билан турдошларидан ажралиб туради. Одатда, бу каби корхоналар мавсумга мослашадилар. Асосий махсулотларни айни пишиқчилик пайтида тайёрлаб, қишда ишлаб чиқариш суръатини

пайтида тайёрлади. — Биз эса бошқача йўлга тутамиз, — дейди жамиятнинг ишлаб чиқаришга масъул ходими Алишер Сиддиқов. — Яъни пишиқчиликда корхона қувватига мос ҳажмдаги махсулотларни гамлаб оламиз ва шу тариқа ишлаб чиқариш узлуksизлигини таъминлаймиз.

5

## Пенсия таъминоти: Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёз берилмоқда?

Аҳолининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш, айниқса, кексалар ва жисмоний имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

### Депутат фикри

Кунини кеча парламент кўйи палатасининг навбатдаги йиғилишида соҳада олиб бораётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, учраётган

каси Қонунга қўшимчалар ва ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Хўш, мазкур Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритишга нима зарурат бўлди?

Худудларда аҳоли билан ўтказган учрашувларимизда, очик мулоқотларда фуқаролар томонидан турли соҳаларга тегишли муаммо ва камчиликлар кўтарилмоқда.

2

## Сенатор мушоҳадаси

### Ортиқча текширувларга чек қўйилади

Бугун тадбиркорга берилётган имтиёзлар янада кучайтирилди. Унинг ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамланмоқда. Нафақат ўзимизнинг ишбилармонлар, балки четдан сармоғ киритиб, “янги иш ўрни очаман”, деганлар учун ҳам кафолатли бизнес шарт-шароитлари яратилапти.

Президентимизнинг шу йил 27 июль кунини имзоланган “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик ҳамкорлар

хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш имконини беради. Бунинг учун қатор қулайликлар белгиланди. Аввало, 2018 йил 1 сентябрдан тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган режали текширувлар ҳамда назорат тартибидеги текширувлар бекор қилинди. Тадбиркорларни текшириш ташаббуси билан чиқиб “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилади.

Учун ҳам қутулган ҳужжатлардан бири бўлди. Фармонда белгиланишича, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш,

2

Пенсия таъминоти:

Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёз берилмоқда?



Жумладан, пенсионерлар томонидан объектив ва субъектив сабабларга кўра, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан ортиқча тўлов ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу суммаларни тўланаётган пенсия миқдоридан ушлаб қолиш тўғрисида қарорлар асосида маълум миқдордаги мабғалар сабабларини чуқур ўрганмасдан чегириб қолинаётганидан эътироз билдирилиб келинаётган эди.

Шунингдек, баъзи ҳолатларда Пенсия жамғармасининг қарорларидан норози бўлган пенсионерлар, яъни улар томонидан айб йўқлиги ёки қасддан пенсияни оширишга ҳаракатлар амалга оширилмагани сабабли юқори турувчи органларга, жумладан, судларга мурожаат қилмоқдалар. Натيجида фуқароларнинг норозилиги ва суд органларини томонидан қўриб чиқилаётган даъво аризалари сони ортиб бормоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, амалдаги Қонуннинг 65-моддаси иккинчи қисми янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, пенсионер бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлганда, аниқланган қарздорлик суд тартибиде, бироқ у аниқланган санадан уч йилдан ошмаган давр учун ундирилади.

Халқаро амалиёт ўрганилганда қарийб барча МДХ мамлакатларида умумий даъво муддати уч йил эйтиб белгилангани маълум бўлди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 28 декабрдаги "Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида яна бир муҳим янгилик кўзда тутилган.

Яъни ушбу қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ, алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга —

эркакларга иш стажы камида 25 йил бўлган тақдирда, аёлларга иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган пенсия ёшани 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш назарда тутилмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, масалан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган эркаклар 60 ёшдан пенсияга чиқиш керак бўлган бўлса, мазкур қонун лойиҳасига биноан, улар 25 йиллик стажга эга бўлса, 55 ёшида чиқишига рухсат этилиши назарда тутилмоқда. Ушбу ҳужжат қабул қилинган тақдирда, 143 мингдан зиёд I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаролар ана шу имтиёз асосида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши кутилмоқда.


Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонун фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ойбек ЭҒАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.


Фахр

Адабиёт сеҳрли кўприк каби олис қитъаларни боғлайди. Ҳар қандай чегараю тўсиқни енгиб ўтиб, кўнгилларни забт айлайди. Бу ҳақиқатни нозик ҳис қилган ҳазрат Алишер Навоий ўз даврида:

"Не мулк ичраки бир фармон йибордим, Анинг забтига бир девон йибордим", деб ёзган эди.



Қалбларни туташтирган адабиёт



Мамлакатимизда 7-8 август кунлари "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг халқаро миқёсда ўрганиши ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда адабиётнинг буюк бунёдкорлик кудратига яна бир бор амин бўлдик.

Дунёнинг йигирма беш мамлакатдан ташриф буюрган қирққа яқин таниқли шоир, ёзувчи, адабиётшунос, таржимон, ноширлар илдизлари олис асрларга бориб тақалувчи ўзбек адабиётининг сеҳру жозибаси ҳақида жўшиб гапирганларида, юртимизда адабиётга берилмаётган юксак эътиборни кўриб хайрату ҳавасларини баён қилганларида, яшириб нима қиламан, кўнглимиз кувончу гурурга тўлди. Жанубий Кореядан келган Инг Ёнг О, япониялик Хисао Коматсу, америкалик Кристофер Форт, ҳиндистонлик Шахид Таслем каби хорижлик мутахассисларнинг соф ўзбекча гапирисларини кўриб, завқимиз келди — ана тилимизнинг гузаллигини яна бир қарра чуқурроқ ҳис этдик.

Бу йил 80 ёшни қаршилаган, ўттиз йилдан буён Озарбайжон Ёзувчилар бирлигини бошқариб келаётган машҳур ёзувчи Анор Муваллими, шу йил Қозғонстан Ёзувчилар уюшмаси тўрағаси этиб сайланган Улуғбек Есдаулет, Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси Низом Қосим ва бошқа меҳмонлар билан юзмаюз гурун қиларканмиз, барчамиз бир улус — Адабиёт мулкисини фуқаролари эканлигини ҳис

Озарбайжоннинг "Ёзувчи" журналин вақрайимиз. Журналнинг бир сони тўлиғича ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган. Жумладан, унда атоқли озарбайжон шоири Самад Вурғуннинг 1940 йил 3 декабрда сузлаган нутқи ҳам жой олган бўлиб, унда қуйидаги сўзларни ўқийшимиз мумкин: "Мен Навоийни дарёга муқояса

қилдик. Энг муҳими, анжуман иштирокчиларини битта ўқилди — Ўзбекистонга, ўзбек адабиётига чексиз ва самимий меҳр бирлаштириб тургани намён бўлди.

Бу меҳр меҳмонларнинг нафақат нутқу маърузаларида, балки ўзлари билан олиб келган турли китоб, журнал, газеталарида ҳам ўз аксини топан эди. Масалан, украиналик таржимон, "Адеф-



Украина" нашриёт уйи директори Игорь Шпак Алишер Навоийнинг украин тилида чоп этилган мухташам "Фарход ва Ширин" достонини тақдим қиларкан, бу дарёга бой илм ва маданият асосида қурилган улкан кема билан тушиш лозимдир..." Журналда, шунингдек, Навоийнинг Озарбайжон адабиётига таъсири, ҳазрат асарларига қаламга олинган озар шоирлари ҳақидаги маълумотлар, Навоийга бағишланган шеърлар, улуг шоирнинг фалсафий қарашлари кенг ёрилган. Беларуснинг "Литература і мастацтва" ("Адабиёт ва санъат") газетасида ҳам ўзбек адабиёти-

га кенг ўрин ажратилган. Жумладан, газетанинг "Маданий макон" рўқни остида Алишер Навоий ва Абдулҳамид Чўлпон шеърлари беларус тилида чоп этилган.

Шу ўринда Беларус ахборот вазири Александр Карлюкевич халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллаганини алоҳида қайд этишимиз лозим. Табриқда ўзбек ва беларус халқларининг кўп йиллик дўстлигига ургу бериларкан, Янка Купала, Якуб Колас каби беларус шоирлари ижоди ва шахсиятига ўзбек заминиде кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирилган. "Иккинчи жаҳон уруши пайтида Тшкент Якуб Колас учун чинакам қадрдон шахарга айланди. Уруш йилларида Ўзбекистон пойтахтида унинг китоблари чоп этилди. Шоирга ҳаммадан аввал ўзбек адиблари ёрдам қўлини чўзган эди..." дейилади табриқда.

Афғонистонлик олим Абдуллоҳ Рўйин тақдим қилган, араб-ўзбек алифбосида чоп этилган "Ҳазойин ул-маоний" қўлйетини кўзимизга суриб қабул қилдик. Санай-версақ, хорижда чоп этилган, совға сифатида Ўзбекистонга олиб келинган адабиётлар сони кўп. Уларга кўз югуртирарканмиз, қўлоғимиз остида анжуман шуъбаларидан бирида янграган сўзлар акс садо беради: "Ўзбек адабиёти — буюк адабиёт. Лекин у фақат Ўзбекистон ҳудудида яшаётган инсонларнинг мулки эмас, у — башариёт мулки. Ўқилса, ўрганилса, иштилқамд бўлган барча инсонлар учун у бирдай тааллуқлидир..."

Анжуман расман поёнига етди. Аммо у энди онгу-шурурларда, қалбларда узоқ давом этади. Унинг мевалари, ўйлай-мизки, бизни кўп куттирмайди...

Нодир ЖОНУЗОҚ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари.

Ортиқча текширувларга чек қўйилади



Айнан Бош прокуратура тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштирилади. Барча текширув Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимда рўйхатга олинади. Ягона тизимда рўйхатга олинмаган текширувлар эса ноқонуний ҳисобланади.

Ўтказиладиган текширувлар тамомланган кейин уч кун давомида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимга киритилади. Шу амалиёт назорат қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва соҳада шафдофликни таъминлашни назарда тутди.

Шу кунга қадар қонун ҳужжатларида замон талабларига жавоб бермайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сунъий йўл билан йиғиб борилаётганига қарши чоралар кўчатирилди. Тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг амалдаги самарасиз ҳамда ортиқча назорат функциялари қисқартирилди.

Ҳужжатда маълум сабабларга кўра, ўз фаолиятини тўхтатган ва юритишга имкони бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар, яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг солиқдан қарздорлиги ҳамда бунинг учун ҳисобланган пенялар, молиявий жарималар ҳисобдан қисқартирилиши белгиланди. Бу билан бизнес субъектининг эркин иктисодий фаолиятини чекловчи сохта тўловлар, қарздорликлар сунъий йўл билан йиғилишига чек қўйилади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан эса бир йиллик миқдордаги солиқни бир йўли ундириш тартиби бекор қилинди.

Яъни Фармонга асосан, 2018 йил 1 апрелга қадар яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар, 2018 йил

1 апрелдан молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларнинг солиқлар, пенялар, молиявий жарималар ва суд ҳаражатлари бўйича ҳисобланган қарзларидан воз кечилди (ҳисобдан чиқарилди). Бунинг учун улардан 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаши ёки давлат рўйхатидан ўтган ҳолда фаолиятини давом эттириши талаб қилинапти, холос.

Фармон, шубҳасиз, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

Ш. ЮЛДАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзosi.

Қонун ижодкорлигини такомиллаштиришнинг янги тизими



Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат маълум бир соҳани ривожлантириш, ислоҳ этиш ҳамда унинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида қабул қилинади. Бу мамлакатдаги турли тармоқ ва йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун албатта зарур. Лекин улар бир тизимга солинмаса, мазмунан бир-бирига уйғун бўлмаса, қатор муаммолар вужудга келади.

кирган пайтдан бошлаб уларнинг ижросини таъминлаш бўйича яна қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар ҳам бекор қилинди.

Бундан ташқари, Фармон ва қарорларда топширилган ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилиши мажбурий қилиб

"Ўзбекистон Республикасини қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами" ва "Ўзбекистон Республикасини халқаро шартномалари тўплами"га мажбурий обунга бекор қилинмоқда. Эндиликда ушбу тўпламлар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига

«Бункер» ташкил қилган фирибгарлар фош этилди

Гап шундаки, Самарқанд вилоятида ана шундай мақсадда "Бункер" ташкил қилган фирибгарларнинг бир гуруҳи қўлга олинди. Унинг аъзоларидан бири — Маъруф Нурмуродов навбатдаги абитуриенти Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 3000 АҚШ доллари олаётган вақтда Бош прокуратуранинг Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўтказилган тезкор тадбир довомида фирибгарлар Самарқанд шаҳар, 4-кичик туман, 83-ўй, 65-хонадонда жойлашгани аниқланди. Бу ерда жиноий гуруҳ, ҳақиқатан ҳам, шу иш билан шуғулланаётганини тасдиқловчи ҳужжатлар топилган.

Энди жиноий гуруҳнинг фаолияти билан танишинг. "Пул билан фарзандимни ўқишга киритаман" деган хомханда юрганларни топиб, уларнинг хожатини чиқариш орқали мўмай даромад олиш мақсадида Самарқанд чет тиллари институти талабаси Абдор Акрамжонов ўзига ўхшаган уста фирибгарларни топиб махсус гуруҳ тузди.

Гуруҳ ҳар бир аъзосининг аниқ вазифаларни белгилаб берилади. Узқун Аевозов тест саволларини ечиб берадиган биллими йигит-қизларни топиб билан шуғулланса, Маъруф Нурмуродов ва Миржамол Эргашев эса пули кўп абитуриентларни излаш билан машғул бўлади.

Маълум бўлишича, жиноий гуруҳ ўз фаолиятида турли усуллардан фойдаланиб келган. Бир қарашда оддий: имтиҳонларга айнан абитуриентга ўхшаш, билими бор, деб ҳисобланган шахс топилган ва у қириб тест савол-

ларини ечиб берган. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда, унда хуфиёна алоқа воситасидан фойдаланилган.

— Абитуриентларни қидириб топардиқ, — дейди айбланувчи Учқун Аевозов. — Улар телефон ва блютус олиб, кейин имтиҳонга кириб кетарди. Бизнесинг гуруҳимиздагилар эса уларга телефон орқали тестни ечиб беради.

Олиб бориладиган терговда текширув ҳаракатлари довомида фуқаро Маъруф Нурмуродов ижарага олиб яшаётган хонадондан 97 та паспорт нусхаси ва фотосуратлар, 13 нафар абитуриентнинг қайд этиш варақаси, ҳужжатларни топширилган ҳақидаги тилхатлар, 23 дона фуқаролик паспортини ва абитуриентлар рухсатномаларининг асл нусхалари топилган. Абдор Акрамжонов яшаётган уй кўздан кечирилганда 14 та паспорт нусхаси ва фотосуратлар, ДТМ рухсатномалари ҳамда бошқа ҳужжатлар ашёвий далил сифатида олинди.

Икки йиллик фаолияти довомида гуруҳ қанчадан-қанча қинғирликлар қилгани ва унинг тўрига кимлар илинган-ю, чув туғани ҳақидаги маълумотлар энди тергов ҳаракатлари довомида аниқланади. Лекин бир нарса аниқ, гуруҳнинг фаолияти довомида бундай фирибдан на абитуриентларга ва на уларнинг ота-оналарига заррача наф бўлган. Чунки гуруҳ ташкилотсини томонидан танланган билимдонларнинг ақсарияти аслида солиқда маст, қўчирмачилар экани ҳам маълум бўлди.

Албатта, ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат жазосиз қолмайди. Худди шундай юқорида тилга олинган фирибгарларга нисбатан ҳам Жиноят кодексининг тегишли бандлари ҳамда моддалари билан жиноят иши қўзғатилади.

Бош прокуратура хузурида Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

дини олиш, қонунчилик базасини оптималлаштириш орқали унинг яхлит тизимини яратиш, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллардан холи қилиш мақсадида Президентимизнинг "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Эндиликда бу йўналишдаги устувор вазифалар сифатида қонунчилик базасини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жараёнлари сифатини ошириш, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш учун

амал қилиш муддати йўқ эди, — дейди Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Раҳимжон Ҳакимов. — Энди бундай бўлмади. Фармон билан шундай тартиб киритилмоқдаки, ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишни, аввало, у асосланган, таъсир курашиш доираси аниқ ҳисоб-китоб қилинган, иқтисодиётдаги рақобат муҳитига таъсири бўйича аниқ прогнозларга эга бўлиши керак. Қолаверса, қонун қабул қилиниши иқтисодиётга қандайдир юк белгилаётган бўлса, бу ҳужжат аниқ муддат билан чекланади.

Фармон билан бундан буён амалдаги норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар орқали ҳам

белгиланди. Алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, "йўл хариталари"ни қўшимча тарзда тасдиқлаш амалиёти эса тугатилди.

Янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса муносабатларнинг тартибга солуви айнан бир хил юридик кучга эга худди шундай ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда қабул қилинади. Эки амалдаги ҳужжатга ўзгариш ва қўшимчалар киритилади, холос.

Шунингдек, норма ижодкорлигида яна бир муаммога ечим топилади. Яъни эндиликда ҳужжат тайёрлашда ҳамма ўз билганича қоида яратолмайди. Тарқоқ амалиётга барҳам бериш мақсадида Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш услулари ишлаб чиқилди.


Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан эътиборан давлат органлари ва ташкилотларининг

Айни пайтда мамлакатимизда 15300 дан ортиқ турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилган. Афсуски, ушбу ҳуқуқий манбалардан самарали фойдаланилмапти. Очиги, бирор соҳани тартибга солувчи қонунчиликни тўлиқ ўрганиб чиқиш учун юзлаб ҳужжатлар билан танишиб чиқишга тўғри келади. Уларнинг қайси бири тўғри-ю, қайсиси амалда эканини билиш ҳам мураккаб. Бу қадар кўп ҳужжатларни ўрганиш оддий халқ у ёқда турсин, ҳаттоки малакали мутахассислар учун ҳам баъзида қийинчилик туғдираётгани аниқ ҳақиқат.

Сабоби йиллар давомида турли соҳалардаги ижтимоий муносабатлар тарқоқ тарзда тартибга солиб келинди, ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга соладиган механизм мавжуд эмасди. Бу, ўз-ўзидан, ҳуқуқий муносабатларда чалқашликлар, турлича талқин қилиш, ҳужжатлар матнлари мазмунини бир-бирига мос келмаслик ҳолатларини келтириб чиқарган эди.

— Мисол учун, ўтган йил сентябрь ойидан бошлаб шу йилнинг май ойига қадар ҳайдовчиларнинг малакасини оширишга қаратилган 3 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, — дейди Ўзбекистон Республикасини Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Нодир Усмонов. — Улар шакл-шамойили, мазмунини деярли бир-бирини тақроқлайди, яъни ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Мана шундай ҳолатлар турли тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган эди.

Бу каби муаммоларнинг ол-



замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинади. "Ақли тартибга солиш" модели элементлари татбиқ этилади.

— Шу кунгача қонунларни қабул қилардик, лекин уларнинг

ҳал қилиш мумкин бўлган турли масала ҳамда муаммолар бўйича кетма-кет янги қарор тайёрлаш амалиётига чек қўйилади. Шу билан бирга, Президент ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари кучга

# Аждар алангаси, манчжур камончилари ва ўзбек мақалласи

## Хитойнинг энг йирик минтақасига сафар таассуротлари.



### Хар бир шишага олти қопдан цемент

Сайёҳлар ва Урумчида истиқомат қилувчилар учун энг сеvimли жойлардан бири — “Кизил тоғ” хиббони. Калинин серёса дарахтлар сабаб бу ер ёзда ҳам салқин бўлиб, тепаликларнинг биридан шаҳар марказининг ажойиб манзараси кафтдек кўриниб туради. Атроф 30 — 40 қаватли осмонлар биноларга тўла. Ойналар салтанати дейсиз, гўё.

ШУАР ҳокимияти матбуот хизмати ходими Зумрат Абдурахмоннинг сўзларига қараганда, 70 йил аввал Урумчидаги бармоқ билан санари баланд бинолар кўпи билан 3 қават бўлган. На бир зўли, на бир ишлаб чиқариш бор эди. Уша пайтдаги 100 минглик аҳоли, асосан, бир қаватли уйчаларда яшаган.

Шаҳар ўз қиёфасини ўзгартириб юборди, дейишнинг ўзи камлик қилди. Қурилишлар ва бунёдкорликларнинг улкан микёси сабаб, хатто дарё ўзани ҳам буриб юборишга тўри келган. Унинг шиддати, ҳажми ва тезлиги кишини ҳайратга солади. Урумчининг гоҳ у, гоҳ бу кўчаларида йўлимиздан чиқаятган ер ости йўллари оғзида қурилиш чинқиндилари тозаланиб, саранжом-саришта ҳолатга келтириляпти: яқин ойлар ичида бу ерда метро ишга туширилади. Ушбу ер ости транспорт тизими беш йил ичида куриб битказилди.

Бу бир марталик таъбир эмас. Бошқа шаҳарлар ва провинцияларга қараб айтиш мумкинки, улкан микёсдаги бунёдкорлик ишлари Чин ўлкасининг бугунги шамоилидир. Мазкур жараёнинг ҳақиқий кўламини тасаввур қилишнингиз учун бир мисол. Утган йили Хитойда ишлаб чиқарилган цемент ҳажми 2,3 миллиард тоннани ташкил қилди. Бу бутун дунёдаги худди шу кўрсаткичдан 72 фоиз кўп дегани. Агар мамлакатда бир йилда ишлаб чиқарилган цементни сайёрамиз аҳолисига бўлса, ҳар бир кишига 6 қопдан тўри келади.

Шубҳа йўқки, жуда катта ҳажмда тайёрланаётган бу хом ашёнинг ҳаммаси керакли жойга ишлатилмоқда. Кўп меҳнат, ҳаражат талаб қиладиган, аммо бажарса бўладиган ишлар. Хитой маданиятида, бошқа халқларда бўлгани каби, олов муқаддас саналади. Айрим халқлар оловни Худонинг неъматидеб билса, бошқа бир эллар афсоналарида уни инсонлар учун қандайдир паҳлавон олиб келган дейилади. Хитой асотирларида эса ҳаёт учун зарур бўлган олов инсоннинг машаққатли меҳнати ҳосиласидир.

Экспертларнинг фикрича, “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси Хитой раҳбарияти томонидан илгари суриляётган иқтисодий белбоннинг маркази бўлиши Шинжон ривожини учун кучли турткига айланади. ШУАРнинг географик жойлашуви ва атрофдаги саккиз давлат билан чегарадош эканлиги, бой табиий ресурслари, фаол инвестициявий муҳит шунга замин яратди. Сўнги беш йилда минтақа иқтисодиётига кириб келган сармоя 750 миллиард долларга етди.

Автоном районнинг яқин ички маҳсулотини, ШУАР Ижтимоий фанлар академиясининг президенти Гао Цзяньлун қайд этганидек, йилга мамлакат иқтисодиёти суръатларидан ҳам бир фоиз тезроқ ўсиб бормоқда. Утган йил якуналарига кўра, худуд иқтисодиёти 7,6 фоиз ошди, 160 миллиард долларни ташкил этди. Бироқ турмуш даражаси ҳамон Хитойдаги ўртача даражадан пастроқ. Ҳукумат минтақа тараққиётини жадаллаштиришнинг самарали механизминини ишлаб чиқди: ХХРнинг нисбатан бойроқ Шарқий қисмида жойлашган бир қатор провинция ва шаҳарлар ҳар йили ўз бюджет даромадларининг 1,5-2 фоизини худуд учун ажратмоқда. Ушбу маблағлар Шинжон иқтисодиёти, sanoat ва таълим соҳаларига йўналтириляпти. Мақсадлар ҳам юксак: 2020 йилга бориб камбағалликка бутунлай чек қўйиш режалаштирилмоқда, ҳозирнинг ўзидаёқ давлат ўз маблағларининг 70 фоизини халқ фаровонлигини ошириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Бундан ташқари, кучли талаб юзага келган мутахассислар — муҳандислар, ўқитувчилар, шифокорлар ШУАРнинг қолоқ районларига уч йиллик хизмат сафарига юборилди. Уларнинг яшаш ҳаётлари, турли хил имтиёзлар тегишли худуд маъмурияти томонидан қопланади. Кўп ҳолларда раҳбар ходимлар ҳам юборилди. Хизмат погоналаридан кўтарилишни ният қилдингми? Ундай бўлса, тажрибани билан ўртоқлаш, ривожланишдан ортда қолаётган худудлардаги раҳбарларга инвестициявий, иқтисодий фаоллик шароитида қандай қилиб аграр соҳадан ишлаб чиқариш йўналишига ўтишни ўргат. Иш ана шу тизимда ташкил этилган.

### Имом нега газета ўқиши керак?

Шинжонда эканман, азиз Ўзбекистонимиз шундоқ ёнгинамда эканлиги ҳақидаги ўй тарқ этмайди. Хар икки одамдан бири уйғурча, қозоқча гапириб қолади, русча сўзлашадиганлар ҳам оз эмас. Иқлим ҳам, атрофдаги манзаралар ҳам қандайдир таниш, қаддон-

дек. Беихтиёр кўзинг тушган ҳамма нарсани Ўзбекистон билан қиёславерсан. Устунликлар ҳам ўхшаш — ресурслар, географик жойлашув ва транспорт салоҳияти. Хал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам биздаги каби.

Худуднинг жойлашуви нарктотрафик хавфни табиий равишда юзага келтиради. Районда мазкур муаммо билан қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Ва бу ерлик “яшил оғу” билан курашувчиларнинг ўз гоёвий илҳомчиси бор.

Урумчидаги гавжум жойлардан бирига Линь Цзэсюй хайкали ўрнатилмоқда. Амалдор бўлиб ўтган бу инсон Хитой инқироз ёқасига келиб қолган XIX аср ўрталарида ўз берган опиум урушлари пайтида танилган. Буюк ихтиролар ва тани бўлган, тараққий этган империяда бир неча ўн йиллар мобайнида гиёҳвандлик балоси кенг тарқалди. Одамларнинг келажақдан, ўз етакчиларидан умиди сўнди. Уша пайтда юқори мансаблардан бирини эгаллаган Линь Цзэсюй беш юздан зиёд сафдошлари билан бирга опиумга қарши муроасиз кураш бошлади. Натияжада бир миллион тоннадан зиёд опиум йўқ қилинган, дейилади турли манбаларда. Фарам-гарам наша тўз ва оҳақча аралаштирилиб, денгизга улоқтирилган. Ушбу таъбир 1839 йилнинг 26 июнида ниҳоясига етказилган. Салкам икки юз йил аввал содир бўлган воқеанинг хотирасига ушбу сана ҳозирги кунда Халқаро гиёҳвандлик ва унинг ноконуний савдосига қарши кураш кўни сифатида нишонланади.

Худди Ўзбекистондагидек, бу ерда ҳам барқарорликнинг нақадар муҳим эканлигини, осойишталик бўлмаса, иқтисодий ўсиш ўз аҳамиятини йўқотишини англаб етганлар. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари буйича мамлакатларимизнинг қарашлари ҳамон ҳамон кўп тартибда доим “уч ёвуз куч”: терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш масаласи туради.

ХКП ШУАР партия кўмитасининг тарғибот бўлими бошлиғи ўринбосари Сю Гуйсяннинг сўзларига кўра, Шинжон-келадаи.

Шубҳа йўқки, жуда катта ҳажмда тайёрланаётган бу хом ашёнинг ҳаммаси керакли жойга ишлатилмоқда. Кўп меҳнат, ҳаражат талаб қиладиган, аммо бажарса бўладиган ишлар. Хитой маданиятида, бошқа халқларда бўлгани каби, олов муқаддас саналади. Айрим халқлар оловни Худонинг неъматидеб билса, бошқа бир эллар афсоналарида уни инсонлар учун қандайдир паҳлавон олиб келган дейилади. Хитой асотирларида эса ҳаёт учун зарур бўлган олов инсоннинг машаққатли меҳнати ҳосиласидир.



да ҳозир 55 миллион вакили бўлган 25 миллиондан зиёд халқ яшайди. Бу миллионларнинг 13 таси асосий саналади. Улар — уйғур ва ханлар, яъни хитойлар, шунингдек, қозоқлар, дунганлар, манчжурлар, қирғизлар, тожиклар, руслар, ўзбеклар (маълумотларга кўра, 12 минг атрофида) ва бошқалардир.

Энг кенг тарқалган дин — ислом дини. ШУАР Ижтимоий фанлар академиясининг Дин институти илмий ходими Ма Пиньяннинг айтишича, дин аҳкомларидан ўзининг кабиҳ мақсадларида фойдаланган мутаассиблар бу жойларда бир неча бор террорчилик хурожларини амалга ошириб, беғунох инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган. Унинг фикрича, диний экстремизм давлат, ижтимоий мувозанат ва миллатлараро тотувлик учун реал хавф-хатардир. Автоном районда радикаллашувга, зўравонлик тарғиботига қарши кескин кураш олиб борилмоқда, террорчиликни ташвиқ қилишга қонун даражасида чек қўйилган. Одамларнинг турмуш даражаси, ижтимоий таъминоти оширилмас экан, бу таъбирлар фойда бермайди. Экстремизм гоъларни туғилишига замин бўлаётган сабабларни шу йўл билан бартараф этиш лозим. Айни пайтда фуқароларнинг эътиқод эркинлигини ниҳоят қилиш ва ҳимоялаш давлат сийсатининг асоси бўлиши керак, деган фикрни билдирди эксперт.

Бунинг исботи сифатида Шинжон маъмурияти вакиллари худудда 25 мингга яқин масжидлар фаолият кўрсатаётгани тўғрисида маълумот бердилар. Мазкур осмавий ибодат масканларининг ҳар бири ўртача минг кишига мўлжалланган. Диний таълим олиш учун ҳам имкониятлар яратиб берилган.

Ушбу йўналишдаги 8 та йирик муассасадан бири — Шинжон Ислон диншунослик институти-

дир. Ўқув даргоҳида минтақадаги масжидлар учун йилга 700 нафарга яқин имомлар тайёрланади, улар орасида миллий дўпписидан таниб олишингиз мумкин бўлган ўзбек миллатига мансуб талабалар ҳам бор. Талабалар қаттиқ эканлиги туфайли ўқиш жараёни, мунтазам ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш анча қийин, дея тан олишди талабалар. Бироқ улар билим олишдан бошқа ҳеч нарса ҳақида қайғурмайдилар. Барча талабалар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланган. Энг кам стипендия — 100 доллар атрофида, “азъло” баҳолар учун эса 500 долларгача стипендия олиш мумкин. Аудиториялар ва маъруза залларидаги шароит қониқарли, ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ. Кўзга ярқ этиб ташлангани стендда турган 10 — 12 номдаги газеталарнинг янги сони бўлди. Ўқитувчилар бунйидаги аҳоли ислоҳоти: гарчи институтида, асосан, диний билимлар берилса-да, дунёвий янгиликлардан беҳабар қолиш асло мумкин эмас. Имом жамиятдан узулиб қолмаслиги керак, у масжидга келувчиларни ўйлантираётган масалаларни, мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган воқеаларни доимий кузатиб бориши керак.

### Харитадаги энг муҳим нуқта

Репортажимиз бошида биз Хитойнинг Шинжон-Гарби ҳақида ҳаёлимизга нималар келиши ҳақида гапиргандик. Худди шундай саволни ўзимизга нисбатан қўлаб, маҳаллий мутахассисларга мурожаат қилганимизда, ўнтадан тўққизта ҳолатда бир хил жавоб олдик.

— Мамлакатингизни бошқараётган Президент жуда доно сийбат олиб бормоқда, — дейди ШУАР Ижтимоий фанлар академияси ходими Не Шулин Ўзбекистон вакиллари билан танишар экан. — У инсон ҳақида бизда жуда кўп гапирилади. Республикангизда бўлаётган воқеалар ҳақида ОАВда чиққан материалларни катта қизиқиш билан ўқийман. Давлатингиз раҳбарини “Янги

Хитой” концепцияси муаллифи, ислохотлар ва очиклик сийсати асосчиси Дан Сиопин билан қиёслашлари бекорга эмас-да. Ўзбекистон ҳам дунё учун очилиб, катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бундай ислохотлар ҳамиса ижобий янгиликларга сабаб бўлади, яқин келажақда, албатта, ўз мевасини беради.

Ўзбек етакчисининг ташаббусларини Хитойда диққат билан кузатишди ва қўлаб-қувватлашди. ШХТнинг июнь ойида Циндаода бўлиб ўтган саммитида Шавкат Мирзиёев қайд этдики, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида минтақалараро транспорт лойиҳаларини рўёбга чиқариш ҳар қачонгидан ҳам долзарб: бизга дунёнинг энг йирик бозорларига олиб чиқувчи янги қисқа йўналишлар керак, яна таъкидландики, Ўзбекистон янги магистраллар, хусусан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўлаб-қувватлайди.

Халқаро транспорт йўлақлари тизимида Ўзбекистоннинг ўрни яқин вақт ичида кескин ошади, дейишмоқда экспертлар. Эслаб ўтиш ҳозирки, бу йўналишдаги ишга солинган имкониятлар, ягона транспорт маконини шакллантириш масалалари шу йил сентябрда пойтахтимизда бўлиб ўтиш режалаштирилётган анжуманда таҳлил қилиниб, муҳокамалар ўтказилади.

Янги транспорт йўлақларини ишга тушириш савдо-сотик ва оқлар транзитини учун қўшимча имконият эшикла-

рини очади, деб ҳисоблайди Урумчидаги Мультимодал транспорт-логистика маркази вице-президенти Нунь Цзинь. Ушбу транспорт тугуни ишга туширилгандан буён ўтган икки йил давомида Хитой — Европа рейслари билан 1 230 юк поездеи жўнатилди. Марказ Европа ва Осиёнинг 17 мамлакатини билан темир йўл рейслари орқали боғланган. Бу ердаги мутахассислар Шарқдан Гарб томон ҳувалашиб кетган темир магистраллар ичида янги йўлдан тикланаётган Ипак йўлининг иқтисодий белбоғи ўтадиган Тошкентни энг муҳим транспорт чорраҳаларидан бири, деб билади.

### «Инь» ва «Янь» миллионлар келтиряпти

Транспорт алоқаларининг яхшиланиши иқтисодий самарадан бошқа яна нима беради? ХХР Шинжон-Гарбидебу саволга жавобни аниқ билишди: янги шосселар ва темир йўллар, аэропортлар ишга тушган, минтақага тобора кўпроқ сайёҳлар кела бошлади.

Утган йили ШУАР шаҳар ва қишлоқларига 2016 йилдаги қараганда 35 фоиз кўпроқ турист ташриф буюрди. Минтақа 107 миллион хорижий ва хитойлик сайёҳларни қабул қилди. Бу миллионлаб меҳмонлар темир трассалар ва автоном районни Хитойнинг бошқа қисмлари ҳамда чет мамлакатлар билан боғловчи 150 авиайўналиш орқали етиб келдилар.

Хитойликларнинг айтишича, Шинжонга бормоган одам Ватанининг нақадар буюк эканлигини ҳеч қачон ҳис қила олмайди. Бу ерга келган сайёҳлар районнинг аҳамиятига мис равишда аямай пул сарфлайди. Бир йилда улар меҳмонхоналар, чипталар, озиқ-овқат, эсдаликлар сотиб олиш ва бошқа харажатлар учун 27 миллиард доллар ишлатишади. Бу ялли худудий маҳсулотнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби Чин ўлкасида ҳам туризм тарихдан илҳом олганча ривож топмоқда. Давлат даражасидаги кучли қўлаб-қувватлаш ҳам тўхтагани йўқ. Мамлакатда бир йил аввал халқ табиоти тўғрисидаги қонун кучга кирди, ушбу йўналишни ва 3,5 мингта клиника фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат бошқармаси ишлатмоқда. Бундай пунктларнинг янгилигини ишга тушириш ҳамда мавжудларини қўлаб-қувватлаш масаласи маҳаллий ҳокимиятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларига киритилган.

Шинжон табиётининг университетини қошидаги аъёнাবий табиот клиникаси яқинда куриб битказилган. Эскалаторлар ва деворларни мониторинг билан тўлган замонавий кўп қаватли иншоотга қараб, бу ер беморларга игна, банка ё зулук қўядиган табиётнинг пункти эканлиги ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Аммо шифохона ичкарисидаги палаталарда бутунлай гаприодатий манзара намоеён бўлди. Олдий кўштакда юзини пастга қаратиб бемор ёттибди. Шифокор ловуллаб олови ёнётган махсус горелка олиб чиқди. Ёқилган бу ажаботвор гулхан белда икки соат турар экан.

Ушбу муолажа “аждар алангаси” деб аталади. Клиника бош врачси Ван Хаонинг айтишича, бутун аъёнাবий табиотдан сингари муолажадан мақсад ташқи омиллар таъсири остида бузилган организмда яхлитлик ва мувозанатни тиклашдир. Касаллик билан курашишга эмас, балки унинг сабабларини йўқотишга ҳаракат қилинади. Акс ҳолда, дейди шифокор, биз гўё уруш бошлангандан кейин қурол тайёрлаётган бўламиз.

Бош врачнинг таъкидлашича, “аждар алангаси” унинг энг ёқтирган муолажасидир. Бу ердаги ишни биз билган одатдаги жаррохлик фаолияти билан бирга олиб боради. Аъёнабий табиотбат 10 — 15 соатлик мураккаб амалиётлардан кейин тезда кучни тиклаб олишга ёрдам беради.

Муассаса ҳамиса одам билан гавжум. Бу ерда йилга 30 минг бемор даволанади. Даволаш амалиётларининг ўртача нарҳлари 50 — 60 доллар булгани ҳолда, маҳаллий ва турли провинциядан келганлар, шунингдек, хорижий меҳмонлар мазкур табиётининг муассасасига 50 миллион доллар даромад олиб келаяпти. Кўриб турганимиздек, қадимий соғломлаштириш тажрибаси нафақат самарали, балки анча даромадли ҳамдир.

### Чигатой мулкларидан от-аравада...

Даромад борасида гапирганда, ШУАРнинг табиёт ва бошқа йўналишлардаги туризм соҳалари билан бир қаторда, этник сайёҳлик шакллари ҳам қадимдан дуч келганимизни таъкидлаш жоиз. Провинциядаги деярли ҳар бир район кўзга яққол ташланувчи маданий ўзига хосликларга эга. Турли миллатга мансуб одамларнинг ўз турмуш тарзи, аъёналари, тили бор. Яратилган инфратузилма ва реклама эса улар билан яқиндан танишишга чорлайди.

Кулжа шаҳри (хитойча номи — Инин) бой тарихга эга. Чингизхоннинг ўғли Чигатой мулкларига пойтахт бўлган шаҳарда осмонлар билан жалалик билан қад ростлаётган, кенг йўллар ётқирилаётган бўлишига қарамай, бу ерда вақт тўхтагандек тасаввур уйғотувчи, ўша замонларни эслатувчи бутун бошли мавзелар сақлаб қолинган.

Дулат бог районига йўл олган сайёҳлар шаҳар марказидан от-араваларга ўтириб, тор кўчалардаги бир қаватли уйлар ёқалаб тарихий қисмга етиб боради. Районнинг асосий аҳолиси — туб уйғурлар. Сайёҳлар бу ерликларнинг турмуш тарзи ва аъёналари билан бевоқифа ҳовлиларга кириб танишади.

— Уйим айна пайтда очик осмон остидаги музей, — дейди маҳаллий аҳоли вакили Халима Аут. — Туристик объект макомини олиш учун маъсул давлат идораси билан шартнома тузиш керак. Шундан кейин биз уйимиз ва ҳовли-мизда ҳеч нарсани замонавий шакллarga ўзгартирмадик мажбуриятини оламиз, экскурсиялар учун эшикларини очамиз, меҳмонларни қизиқтирган ҳамма нарсани гапириб, намойиш қилиб берамиз ва йўл-йўлақай сувенирлар, эсдаликлар сотамиз. Давлат томонидан ҳам ёрдам оламиз. Районимизга кўнига ўртача икки мингта яқин меҳмонлар келади. XIX асрнинг 70 — 80-йилларида Самарқанддан кўчиб келган одамлар томонидан қурилган уйлар сақланиб қолган. Бу бизга қўшни ўзбек маҳалласи бўлиб, унга ҳам кўп сайёҳлар ташриф буюради. Уй-музейлар талайгина.

Шу ернинг ўзида — ҳовлиларда туристлар учун қисқа концертлар намойиш қилинади. Асосан, ШУАРда алоҳида эъозланиладиган “муком” жанридаги куйлар ижро этилади. Бу қўшиқ, ракс ва куйни ўзида муқамсамлаштирган санъат тури ҳисобланади. Шинжон маданият ишлари кўмитаси директорининг ўринбосари Ма Иншэннинг сўзларига кўра, уйғур “мукоми” Шарқ ва Гарб фольклорининг ажойиб қаттишмаси бўлиб, Ипак йўли даврида маданиятлар алмашинуви нақадар фаол юз берганини кўрсатади. Махсус ҳужжатга биноан, ушбу жанр номоддий мерос объекти сифатида давлат томонидан муҳофазат қилинади, ЮНЕСКО ҳам уни тегишли рўйхатга киритган.

Хушоҳанг тароналардан илҳомланган турист шу ернинг ўзида “муком”лар ёзилган аудио дисклар, дутор ёки ёзилган мусика асбоблари, миллий либослар, тақинчоқлар сотиб олади. Сайёҳ уйига бу масканларни эслатувчи нарсалардан олиб кетади, мезбонлар эса даромад кўради.

Сайёҳликни ривожлантириш учун бундай прагматик ва эҳтимолик, энг оқилона ёндашувга бутун минтақада гувоҳ бўласиз. Чапчал-Сибо автоном уезидида сибо халқларининг миллийлигини намойиш этувчи мажмуа улкан майдонни эгаллаб турибди. Қадим замонларда ушбу миллат вакиллари манчур армиясидаги энг моҳир камончилик сифатида донг таратган. Бу аъёналарни сибо ахли ҳамон йўқотмаган. Ҳозир ҳам Олимпия йўналишида ва бошқа халқаро турнирларда камондан ўқ отиш бўйича Хитой терма жамоаси тарихида катнашаётганидан фахрланишади. Табиийки, экскурсиялар билан бирга алоҳида ажратилган майдонда камондан ўқ отиш борасида ўз маҳоратини синаб кўриш имконияти сайёҳларнинг жалб қилади. Сибо найзасидан мўлжални нишонга олаётган турли қишқа вакилларнинг ҳаяжонини тасвирлашдан кўра, маҳаллий аҳолига келаятган иқтисодий фойдани ҳисоблаш осонроқ. Утган йили 170 минг сайёҳатчи музей худудига кириш чиптасини сотиб олиш учун 1,2 миллион доллар пул сарфлаган. Жорий йилда эса сайёҳлар оқими икки баробар ўсиши кутилмоқда. Тан олгани, бу 30 минглик аҳолиси бор район маркази учун ёмон эмас.

### Анвар исмли хитойлик

ХХР Тижорат вазирлиги маълумотларига кўра, яқин ривожланган ички туризмга қарамай, ушбу мамлакатдан сафарга чиққан сайёҳчилар чет давлатларда йилга 200 миллиард доллар сарфляяпти. Туризм саноати Ўзбекистонда ҳам тараққий этмоқда, қирқдан зиёд мамлакатлар, шу жумладан, Хитой фуқароларига ҳам визалар бекор қилин-



ди ёки енгиллаштирилди. Пекиндаги ўчрашууда журналистлар ва экспертлар томонидан мамлакатимиз хитойлик сайёҳларни нақадар қизиқтираётгани ҳақидаги савол ўртага ташланди.

— Билишимча, бир неча йил олдин ҳам Хитойнинг олдий одамларидан кўпчилиги Марказий Осиё давлатлари ҳақида батафсил маълумотга эга эмасди, — дейди Хитой Медиакорпорациясининг рус наشري муҳаррири ўринбосари Чэнь Чжун. — “Бир макон, бир йўл” ташаббуси бошлангач, ҳамюртлар Ипак йўлининг тарихини ўрганишга тушди. Унда муҳим ўрин тутган сизнинг минтақангиз мамлакатлари ҳақида бой маълумотларга эга бўлди. Кейинги вақтларда доимийлик касб этаётган олий даражадаги таширлар ҳам бунга туртки бўлмоқда. Ана шундай ўчрашувлар олтидан бизнинг ОАВда минтақа мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги кунги кенг ёрилган мақолалар, репортажлар эълон қилинади. Бундай қадамлар бизнинг одамлар фикрини ижобий томонга ўзгартирмоқда: улар мамлакат иқтисодиёти, маданияти қандай ривожланаётгани ҳақида тасаввурга эга бўляпти. Ва шу пайт хитойликларнинг ҳаёлидан “Ха, Марказий Осиёда Ўзбекистон, деган бир юрт бор экан. У бой аъёналарга, кўплаб табаррук, диққатга сазовор жойларга эга экан-ку!”, деган фикр ўтади. Улар интернетда қўшимча маълумотлар излаш, янгиликларни кузатиш, минтақа равишда ташкил қилинаётган маданий тадбирлар, намойишлар, концертларга қизиқишни бошлайди. Одамлар ўзи учун янги бир ўлка, унинг аъёналари, маданияти, миллий таомларини кашф қилиб, ниҳоят, бу ерни ўз кўзи билан кўриш учун йўлга отланади.

— Мамлакатларимиз тўғрисидаги маълумотларни оммалаштиришда журналистлар алмашинуви ҳам кўл келмоқда, — деб ҳисоблайди “Синьхуа” ахборот агентлиги муҳбири Ойнура Шакин. — Медиа вакиллари — ўз аудиториясининг нигоҳидир, уларнинг таассуротлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, репортажлар бериш ҳамон фойдалани.

— Минтақа бўйлаб кўп сафар қиламан, бироқ Ўзбекистонга борганимга 20 йиллар бўлди. Бу менинг хатоим, — дейди Марказий Осиё бўйича эксперт Чэнь Цзэнцзюнь. — Барча соҳада юз бераётган шиддатли ўзгаришлар сабабли сизнинг мамлакатингиз ҳозир кўп муҳокама қилинмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ўзгариб кетганига ишончим қомил. Аммо инсонлар диққатини тортадиган нарсас фақат иншоотлар ва маданиятгина эмас. Улар учун бошқа одамлар, ўзаро мулоқот, меҳмондўстлик қабилир ҳам қизиқ. Касбий фаолиятини тақозоси билан ўзбекистонликлар билан тез-тез алоқада бўлганлар, улар орасида дўстлар кўп. Хитойча исмларини айтиш мушкул бўлгани сабаб, дўстларим мени ўзбекчасига — Анвар деб қақаришди ва бу менга жуда ёқди. Юртдошларингизнинг септакаллф муомаласи, санъат ва адабиётни нақадар қадрлашдан доим ҳайратга тушганман. Икки йил аввал Чингиз Айтматов қабрини зиёрат қилиш насиб этди. Уша ерда икки-уч соат қолдик. Шу вақт оралигида Бишкек четиде қайлашган бу манзилга Ўзбекистонда истиқомат қилувчи бир неча гурӯҳ келиб-кетди. Улар сеvimли адабни хотирлаш, унинг руҳига тиловат қилиш учун юзлаб қақирим йўл босиб келишган. Адабиётга бундай муҳаббат юксак эътирофга лойик. Ана шундай инсонлар яшайдиган дийёрга, албатта, ташриф буюришни барча юртдошларимга тавсия қиламан.

— Анвар деб қақаришди ва бу менга жуда ёқди. Юртдошларингизнинг септакаллф муомаласи, санъат ва адабиётни нақадар қадрлашдан доим ҳайратга тушганман. Икки йил аввал Чингиз Айтматов қабрини зиёрат қилиш насиб этди. Уша ерда икки-уч соат қолдик. Шу вақт оралигида Бишкек четиде қайлашган бу манзилга Ўзбекистонда истиқомат қилувчи бир неча гурӯҳ келиб-кетди. Улар сеvimли адабни хотирлаш, унинг руҳига тиловат қилиш учун юзлаб қақирим йўл босиб келишган. Адабиётга бундай муҳаббат юксак эътирофга лойик. Ана шундай инсонлар яшайдиган дийёрга, албатта, ташриф буюришни барча юртдошларимга тавсия қиламан.

### Ушбу йўналишдаги 8 та йирик муассасадан бири — Шинжон И

# АФСОСОНЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА

Ҳар қандай ривожу достонлар замирида маълум даражада ҳаётӣ ҳақиқат, реаллик бўлади. Худди шундай афсоналарга қура, бойсуликлар "Фарҳод ва Ширин" достонидаги воқеаларни бойсун элининг узоқ ўтмиши билан боғлайди. Шу боис Бойсунтоғ бағридан ўйилган жойни "Кетмон чолди" деб номлашади. Айтишларича, Фарҳод тоғ бағрини ўйиб, Бойсунга сув йўллари очишни мақсад қилган. Гарчи, бу бир афсона бўлса-да, бу ерликларнинг тоғ ортидаги сув манбаидан ичимлик суви олиб келишга интилиши азалий орзу бўлиб келганини ифодалайди.

## Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!

...Бойсуликларнинг ана шу орзуи рўёбга чиқадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Бу энди афсона эмас, ҳаётӣ воқеаликка айланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрь ойида сурхондарёлик сайловчилар билан учрашуви чоғида Сурхон воҳасини келгуси беш йилликда ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари қаторида Бойсун тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган. Шундан сўнг ҳам ушбу долзарб масала давлатимиз раҳбарининг дои-


лар ётқизибли, 7,1 километрлик қисмида эса полиэтилен қувурлар монтаж қилинмоқда. Чуқур қазиш, қувур ётқизиш, қоплама ишлари кетма-кет амалга оширилиб, иш суръати ва сифатини таъминлашга астойдил ҳаракат қилияпти.

Шу ўринда айтиш керакки, ичимлик суви тармоғи қуриб битказилган, Бойсун туманидаги 14 та аҳоли пунктида яшовчи 20 мингга яқин аҳоли, хусусан, асрлар давомида ичимлик сувини узоқ манзиллардан ташиб келган Бошработ, Кўлкамиш, Чорбоғ, Даштиғоз, Пулхоким, Сарқамиш, Шўрсой ва Газа сингари қишлоқлардаги хонадонлар овозгарчиликдан батамом қутулиб, экологик тоза обихаёт манбаидан баҳраманд бўлади.

— Бойсунга дастлаб афсонавий қаҳрамон Фарҳод сув олиб ке-

Маълумотларга қўра, Бойсун туманида 110 минг нафардан зиёд аҳолининг аксарияти марказдан узоқ ҳудудларда истиқомат қилади. Уларнинг 25 — 30 фоизига тоза ичимлик суви билан таъминланган, холос. Туман марказидаги мавжуд ичимлик суви тармоғи деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганини инобатга олиниб, тармок манзилли дастур асосида босқичма-босқич таъмирланяпти. Жумладан, туман марказидаги 10 дан ортиқ маҳаллалар аҳолиси "Авлод-1" сув булоғидан фойдаланади. Утган йили ушбу сув тармоғининг 800 метр қисми, бу йил 7200 метр қисми реконструкция қилинди. Афсуски, тумандаги бошқа аҳоли манзилларида тоза ичимлик суви махсус автомашиналарда етказиб берилмаётди.

— Авлод қишлоғидаги булоқдан тортиб келинган ичимлик суви тармоғи утган асрнинг 70-йилларида барпо этилган бўлиб, аҳолининг демографик ўсиши, янги аҳоли массивларининг ташкил қилингани ичимлик сувини ўта долзарб масала сифатида кун тартибига



Давлатимиз раҳбари ҳар гал аҳоли вакиллари билан учрашганда одамлар амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эртага эмас, балки бугун ўз ҳаётлари мисолида ҳис қилишлари, қўришлари лозимлигини бот-бот таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсоннинг бахтли яшаш истаги, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезонидир. Халқни рози қилиш, уларни қўйнаётган муаммоларни бартараф этиш, фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз сиёсатида устуворлик касб этаётганининг боиси ҳам шунда.

мий диққат марказида бўлди. Жорий йилнинг 19-20 январь кунлари Сурхондарёга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари бойсуликларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олиб, мустақиллик шодиёналарига қадр тўман марказдан қарийб 37 километр узоқда жойлашган Хўжамайхона суви манбаидан тоза ичимлик суви тармоғини тортиб келиш бўйича мутасаддиларга қатъий вазифаларни юклаганди. Ушунда, яъни қаҳратон қишининг қорлиқировли кунларига қарамай, бу борадаги қурилиш ишлари бошлаб юборилганди.

Лойихага қўра, умумий узунлиги 36,4 километр бўлган ушбу гидротехник қурилишга 57 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси Уй-йўқ коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бююртмасига биноан қурилаётган мазкур сув тармоғида бош пудратчи — "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ махсус механизациялашган йўл станцияси томонидан қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатда давом эттирилганди.

— Ичимлик суви тармоғи 530 куб метрлик темир қувурлар орқали тортиб келиняпти, — дейди пудратчи ташкилот — "Тошкент нефть-газ қурилиш" акциядорлик жамияти раҳбари Сўҳроб Йўлдошев. — Сув тармоғининг 29,3 километрлик қисмида темир қувур-

лишга интилган бўлса, уни Президентимиз Шавкат Мирзиёев рўёбга чиқармоқда, — дейди Пулхоким қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Хоним Тошбоев. — Йил бошида виллоятимизга ташрифлари чоғида худудлар билан тўғридан-тўғри боғланиб, одамларни йўлантираётган муаммолар, уларнинг дарду ташвиши ҳақида жойларда яшовчи аҳоли вакиллари билан бирма-бир сўрадилар. Шунда мен ҳам халқимизнинг орзуи ҳақида сўзлашга қарор қилдим. Менинг сўзларимни кунт билан эшитган Юртбошимиз мустақиллигимизнинг 27 йиллик шодиёнаси бойсуликлар учун кўшалоқ байрам сифатида нишонланишини, Хўжамайхона булоғидан сув тармоғи тортиб келинишини ваъда қилган эдилар. Мард ва шижоатли, олижаноб инсонлар ваъдасининг устидан, албатта, чиқшига яна бир бор амин бўлдим. Ота-боболаримиз кўрмаган кунларни, мана, биз кўрадиган бўлдик. "Сув билан ер, дуо билан эл кўқарар", деган гап бор халқимизда. Ёшу қари — барчанинг дуоси, олқишига сазовор бўлаётган Президентимизни алқаб, кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда. Ўзим шахсан бир неча бор қурилиш ишларини бориб кўрдим. Ҳайратим, қувончим ичимга сиймаг кетаётди.

олиб чиқди, — дейди меҳнат фахрийси Тўрақул Ҳамроев. — Аслида, Хўжамайхона булоғидан туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш гоёси кўп бора илгарги сўрилган бўлса-да, унинг ечими негиздан пайсалга солинаётганди. Бир вақтлар Хўжамайхона суви манбаини ҳамда дарё сувини жиловлаш мақсадида Дарбанд қишлоғида сув омбори қуриш, шу орқали туман марказига обихаёт етказиш режаси ҳам тузилганди. Амалий ҳаракат бўлмагач, бундай мақсад ва режалар фақат қўроғларда қолиб кетаверди. Президентимиз эътибори тўғрисида узоқ кутилган орзуларимиз амалга ошмоқда. Катта сув манбаи эндиликда шунчаки исроф бўлмади, аксинча эл юртимиз ундан баҳра оладиган бўлаётди.

Мутахассисларнинг фикрича, пухта ишлаб чиқилган лойиҳа натижасида Хўжамайхона булоғидан 24 километр масофага қадр сув ўз йўналиши бўйлаб оқиб келиши таъминланади. Тармокнинг 12,4 километрлик қисмига обихаёт кўтарма насос ёрдамида чиқарилади.

— Изма массивида қуриладиган насос станциясида 2 та сув сақлаш иншооти бунёд этилиб, 6 та насос ўрнатилди, — дейди қурилиш иншоотида иш бошқарувчи Илёс

## Хамкорлик «Ўзбекгидроэнерго» АЖ дунёга машхур корпорация билан меморандум имзолади

Қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожини замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, шу пайтга қадар эътибордан четда қолиб кетган гидроэнергетика тараққиётида бу жуда муҳим. Ушбу йўналишда чет эл компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда Хитой Халқ Республикасининг "SANY Heavy Industry Northwest Co LTD" корпорацияси президенти Сян Вэнбо мамлакатимизда гидроэнергетика соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратилаётганига алоҳида тўхталиб, тизимда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, айниқса, кичик ва йирик гидротехника иншоотлари қурилаётганини юқори баҳолади. Бу борада келгусида ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини мамнуният билан изҳор этди.

Мулоқот давомида томонлар замонавий техникалар харид қилиш ва етказиб бериш юзасидан манфаатли келишувга эришилди.

Учрашув сўнгидея икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

## Халқ билан мулоқот

Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи Ёзёвон туманидаги ҳолатни таҳлил қилди.

## Ёзёвонда нима гап?

Худуддаги 33 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 99 та ижтимоий объектда 4822 та муаммо аниқланди. 6118 нафар фуқаронинг иш сўраб қилган муножаати асосида меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. 861 нафар фуқаро тиббий қўриқдан ўтказилди. Тижорат банклари иштирокида фуқароларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича шартномалар тузилди. Ишлаб чиқариш йўналишида 96 та лойиҳа тайёрланиб, улар асосида 604 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Жинойятчиликнинг олдини олиш борасида камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, нотинч оилалар билан ишлаш, ҳаётлар ўтказиш бўйича ҳам ҳал қилинажак ишлар кўп экани ойдинлашди.

Шулар асосида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Таассуротларга бой учрашувлар

Тожикистондан махсус мухбиримиз Шойим БЎТАЕВ хабар қилади.

Айни кунларда ушбу мамлакатда сафарда бўлиб турган Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари Хўжаандаги диққатга сазовор жойларни бориб кўришди. Хусусан, Саидхўжа Уринхўжаев номи билан юритилган хўжаликда ўз даврининг машхур хўжалик раҳбари ҳаётини ҳикоя қилувчи музей экспонатлари уларда катта таассурот қолдирди.

Тожикистон ва Ўзбекистон ҳамкорлигида бу шаҳарда электр асбоб-ускуналари ҳамда тўқимачиликка ихтисослаштирилган қўшма корхоналар қурилиши режалаштирилган маълум қилинди.

Хўжаанд шаҳридаги Матбуот уйида ўтказилган анжуманда ижтимоий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Адабий алоқаларимиз индизи узоқ тарихга бориб тақалади, — дейди Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси Сўғд вилояти бўлими бошлиғи Аҳмаджон Раҳматзоод. — Бу ҳамкорликни янги суръатда давом эттириш учун ўзбек ижодкорлари асарларини тожик тилига ва тожик ижодкорлари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш зарур.

Ўзбекистонлик ижодкорлар Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳридаги Тожикистон Миллий кутубхонаси ҳамда

Асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, бир заминда ёнма-ён яшаб келган ўзбек-тожик халқлари дўстлиги ҳақида битилган шеърлару қасидалар, бағишловлар бир жойга жамланса, ажойиб китоб бўлади. "Қон-қариндош", "Эт билан тирноқ", "қондошу жондош" каби сифатлар бисёр. Бу нимадан? Меҳрдан, яқинликдан. Урф-одатлари, турмуш тарзи ўхшашлигидан, дини бирлигидан. Шу сабабли, икки тилда сўзлашувчи битта халқ таърифи жуда ўринли айтилган.

Биз бир жихатдан жудаям хурсандимизки, раҳбарларнинг оқилона сиёсати натижасида асрларнинг мураккаб синовларида тобланган дўстлик яна ўз ўзларига қайтиб, янги босқичга кўтарилди.

Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизга ташрифи катта қувонч билан кутиб олинди. Қавму қариндошлар юз-қўзидида севинч ёшлари, мамнуният, шодиёналик узоқ айрилиқдан сўнг қутилган дийдорлашув тўғрисида эди. Президентимиз Имомали Раҳмон таъкидлаганидек, Президент Шавкат Мирзиёев ташрифи, ҳақиқатан ҳам, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унда дўсту биродар Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида кейинги йилгирма олти йил давомида тўпналиб қолган барча муаммолар ўз ечимини топди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу борада сўз юритиб, икки давлатнинг бир-бирига очилаётган дарвозаларини энди ҳеч қачон ёпишмайди, дея қайд этгани бугунги кунда ҳаётда амалий жихатдан рўёбга чиқмоқда. Жорий йилнинг 28 июль тоғида узоқ йиллик танафусдан сўнг Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳридан "Шарқ гавҳариг" бўлган Самарқанд шаҳрига халқларимиз

## Яғона тарих, умумий келажак

равишда чирой очган шаҳарнинг тарихий обидалари, кўкка бўй чўзган миноралари олис мозиий сари чорлаб тургандек. Зиёратни Хожа Дониёр мақбарасидан бошладик.

## Асрлар синовидан ўтган дўстлик

қалбига олам-олам қувонч бағишлаган илк парвоз амалга оширилди. Бир-бирига талпинган қалблар яна туташди.

— Душанбе — Самарқанд йўналиши бўйича ҳаво йўлининг очилиши давлат раҳбарларининг тарихий учрашувлари мевасидир, — дейди "Тайк Ай" миллий авиакомпанияси бош директори Ҳайрулло Раҳимов. — Бу эзгу ишмиш ҳар иккала халқ манфаатларига хизмат қилади.

...Тобора пастлаб бораётган самолётдан қатор уйлар, дарёлар, экин майдонлари — моҳир мусаввир чизиб қўйгандек Самарқанд манзаралари кўзга ташланади. Асрлар давомида дунё ахлини ҳайратга солиб келган бу шаҳар Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида янада сайқал топиб, чирой очибди. Бир замонлар ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак қадамлари теккан, Бобур Мирзо армони қолган бу шаҳар осмонда Мирзо Уллубек юлдузлари ҳамон чарақлаб тургани кишини ҳаяжонга солади.

Мен Самарқандга салкам ўттиз йил аввал келгандим. Энди уни таниб бўлмай қолибди. Аждодлар хотирасига муносиб

Дониёр пайгамбар мақбараси XX асрда қурилган бўлиб, унинг ёнида бундан 650 йил бурун эскилган писта дарахти яшнаб турибди. Пастроқда эса яна бир кичикроқ мақбара жойлашган бўлиб, унинг ичида булоқдан сув сизиб чиқиб турар экан. Ўзига хос ширин, шифобахш бу сувдан ташдиф буюрган ҳар бир сайёҳ

барасида сайёҳлар, айниқса, хорижлик меҳмонлар жуда кўп экан. Неча йиллар дунёга доврққ солиб ўтган сохиқбирон тарихи, чиндан ҳам, дунё ахли эътиборини ўзига тортади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга келган хорижлик меҳмон борки, ушбу муқаддас маскан зиёратига ошиқди.

Ушбу мақбара, нафақат, Марказий Осиёда, балки бутун жаҳонга машхурдир. Мақбара Шарқ меъморчилигининг энг ноёб намунаси сифатида эътироф этилади. Зиёратгоҳнинг ўзига хос ва олис тарихи ҳақида сайёҳлар бу ерда ўзларига керакли маълумотларни олиш имкониятига эга эканлар.

"Регистон" сўзи асли "Қумлоқ жой" деган маънони билдиради. Манбаларда ёзилишича, Урта асрларда ҳамма катта шаҳарлар марказлари Регистон деб аталган. Самарқанд Регистони эса Марказий Осиёдаги энг салобатли ва виқорли майдон сифатида ҳамон кўр тўкиб турибди. Ўзбекистон мустақиллиги даврида бу тарихий обидга янада сайқал берилгани ажойиб иш бўлибди. Истиқлол йилларида бу ерда бутун мамлакат миқёсидаги маданий тадбирлар мана шу муқташам майдонда ўтказилиши таҳсинга сазовордир.

Самарқандликлар — ажойиб, меҳмондўст халқ. Шаҳарнинг муқташам "Карвон" меҳмонхонаси ресторанидаги дастурхон устида биз икки тилда сўзлашувчи битта халқ эканлигимиз ҳақида илик сўзлар айтилди. Ўзбекча ва тожикча қўшиқлар янграганида, барча мириқиб рақсга тушди.

Узоқ йиллар бир-бирига талпинган халқларимиз қалби яна туташди. Дўстлигимиз абадий бўлсин.

Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА, Тожикистон Республикаси ҳукуматининг ўзбек тилидаги расмий наشري — «Халқ овози» газетаси бош муҳаррири. Душанбе шаҳри.

# Божхона халқчил идора бўлиши керак

## Мазкур тизимни ривожлантириш ҳар қачонгидан муҳим.



XALQARO PRESS KLUB

Тадбиркор ҳам, сайёҳ ҳам, умуман, ҳар бир келиб-кетувчи божхона орқали киради ёки чиқади. Шу маънода, тизимнинг қанчалик мустаҳкамлиги, айтиш мумкин, ва шаффофлиги тадбиркору сайёҳларга қулайлик яратди, пировардда мамлакат иқтисодий салоҳияти янада юқалишида муҳим ўрин тутди. Шу боис кейинги йилларда божхона тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

сохта қузатув ҳужжатлари асосида чегарадан олиб ўтиш ва расмийлаштириш билан шугулланган 20 нафар ТИФ қатнашчиси фож этилиб, уларга нисбатан жиноят иши очилди, жами 135,2 миллиард сўмликка яқин қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

### «Яшил» ва «қизил» йўлақлар

— Хориқлик сайёҳлар ва фуқароларимиз эмин-эркин ҳаракатланиши учун халқаро аэропортларимизда «яшил» ва «қизил» йўлақлар ташкил этилди, — дейди Давлат божхона қўмитаси раиси Муротжон Азимов. — Олдинлари бир кишининг божхона кўригидан ўтишига ўртача 3-4 дақиқа кетган бўлса, энди бор-йўғи 1 дақиқа кифоя қилмоқда. Бунинг янада қисқартириш имконияти ҳам йўқ эмас. Жорий йилда божхона рўхсатномаларидан 10 таси бекор қилинган ҳам муҳим янгиланган биридир. Шунингдек, 2 минг долларни декларация

тўлдирмасдан, 5 минг доллар эквивалентидаги валютани унда кўрсатган ҳолда олиб ўтиш мумкин. Илгарилари тадбиркорлар ўз маҳсулотларини чет элда кўрғазмага чиқармоқчи бўлса, турли ҳужжатларни тўлдирибдан бериб кетарди. Ҳозир 5 минг долларга микдордаги маҳсулотларни декларациясиз олиб чиқса бўлади. Юқ декларациясини электрон юбориши амалиёти йўлга қўйилиши ҳам ТИФ иштирокчиларига катта қулайликлар яратди.

Ушбу янгиланишларда, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тارتибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу ҳужжатга кўра, импорт божи ҳамда акциз солиғи ставкалари унификация қилинди ва бу 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилди.

### Погонли ходим эмас, оддий инсон қаршилади

Жаҳон тажрибасидан маълумки, чет элдан келаётган сайёҳни расмий идора вакили эмас, балки оддий инсонларнинг қаршилаши ўзининг кутилган самарасини беради. Шу ҳаётий ҳақиқат асосида халқаро аэропортларимизда хизмат



кўрсатувчи божхоначилар кийим-бошлари янгиланди.

«Тошкент-Аэро» иختисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи Равайн Тожиев бу хусусда шундай деди: «Ҳодимларнинг елкасида погон йўқ, Давлат божхона қўмитаси ва унвони ён тарафда кўрсатилган. Бундан кўзланган мақсад оддий: хориқлик сайёҳни погон тақдан ҳодим қаршиласа қайда-ю, оддий бир инсон самимиёт билан кутиб олса, қарда?!»

### «Хавфни бошқариш» нима?

«Хавфни бошқариш» ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Бу

тизим божхона расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш билан бирга, ТИФ иштирокчиларининг вақти ҳамда маблағини тежайди. Илгарии декларант ёки тадбиркор декларацияни божхона органига тақдим этган бўлса, эндиликда бунинг ушбу тизим орқали бажарди. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, қайси юкни қандай декларациялашни мустақил ҳолда ҳал қилади. Бу тизим жорий йил 1 сентябрдан эътиборан амалиётга татбиқ қилинади.

Тадбирда божхона тизимида амалга оширилётган бошқа янгиланиш ва ўзгаришлар ҳамда истиқболдаги долзарб вазифалар юзасидан ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ТАДБИР

Термиздаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбир солиқ сиёсатидаги муҳим ўзгаришларга бағишланди. Унда тегишли ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### Солиқ тўловчиларга катта имконият

— Вилотимизда 20500 нафар тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳимов. — Солиқ соҳасидаги муҳим ўзгаришлар ҳақида уларга атрофлича маълумотлар бериб бормоқдамиз. — Очиги, ойлик маошининг қанчаси солиқларга ушлаб қолинишини билмасдик, — дейди Узун туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳиддин Каримов. — Маълум бўлишича, 2019 йилдан бошлаб, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоизни ташкил этиб, суғурта бадалли бекор қилинаркан. Бу жуда катта имконият.

сайёр учрашувда ҳам янги Солиқ концепциясидаги муҳим ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. — Бизнинг корхонамиз умумий овуқланиш, чакана ва улгуржи савдо йўналишида фаолият юритади, — дейди тумандаги «Меҳроқ» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Курбон Шукуров. — Янги Солиқ концепцияси асосида биз, тадбиркорларга берилаётган катта имтиёз овозига бир йилда корхонамиз иштирокида 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Вилотининг шаҳар ва туманларида ўтказилаётган тарғибот тадбирларида кенг аҳоли қатлами ҳам фаол қатнашмоқда.

Р. ИЛҲОМОВ.



1

## Қадоқланаётган ёз неъматлари

### табиийлигича тўлиқ сақланмоқда

сотган афзал эмасмикан? «Йўқ», дейишади корхона иқтисодчилари. Чунки қайта ишланганда маҳсулотга барака киради. Корхонага кирган бир сўмлик маҳсулот барча харажатлар билан 8,5 сўм бўлиб чиқиб кетади. Бундан ҳам муҳим эса маҳсулот нисбатан узок вақт сақланади, бу ишлаб чиқарувчига ҳам, харидорга ҳам қулайлик деганидир.

— Маҳсулотларимиз сифатига асло эътироз бўлиши мумкин эмас, — дейди маркетинг бўлими мудири Шерзод Умаров. — Бунинг сев омили ноз-неъматлар сөркўб ўртимизда етиштирилган. Қолаверса, қайта ишлаш жараёнида биз маҳсулотнинг табиийлигини сақлаб қолмоқдамиз. Уларга озуқабанд бўёқ ва бошқа қўшимчалар қўшилади. Шу боис харидорларимиз сони кўпайиб бораётди.

Бу фикрни кечагина Афғонистондан қилинган кўнгирак яна бир қарра тасдиқлади. Ўн беш кун аввал 140 тонна маҳсулотни сотиб олган «Matin amin LTD» корхонаси вакиллари тузилган шартнома мuddатини узайтириб, доимий харидор бўлишни маълум қилдилар.

Корхона маҳсулотлари, асосан, Россия, Хитой, Беларусь, Козогистон мамлакатларига етказиб берилган эди. Энди яна бир доимий миқдор топилди. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни тақозо этмоқда. Шу боис бир гуруҳ мутахассислар Италияга янги технология ускуналар олиб келиш учун жўнаб кетишди. Бу учун корхона қуввати икки баробарга ошадди.

Табиийки, жамиятнинг бугунги қуввати харидорлар эҳтиёжини қондирамапти.

Бир сменада 2 тонна маҳсулот қайта ишланиб, улардан 12 хилдаги шинни, 6 хилдаги мураббо, 13 турдаги шарбат ва компотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қандолатчилик эҳтиёжи учун тайёрланаётган хом ашё бу рўйхатга киритилмаган.

Туман бўйича бу йил 11 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган. Бу борада белгиланган ишлар илдамлик билан удаланди. Масалан, июнь ойи учун белгиланган режа 138 фоиз удаланди. Унда қайта ишловчиларнинг ҳам муносиб хиссаси бор. Қўсқача айтганда, пишиқчиликнинг фанимат кунлари фермерлар қатори қайта ишловчилар учун ҳам баракали бўлмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

# «Бахтли яшашга мен ҳам ҳақли эдим...»

### ЗАМИРАНИНГ КУНДАЛИГИ.

2018 йил 2 февраль.

Мен яшашни истамайман. Бўлди.

Ҳаммаси жонимга теғди.

Нима қилсам ҳам буларга ёқмайди. Яхши ўқи, яхши ўқи, дейишади. Лекин, нима қилай қўлимдан келгани шу.

Нигорага ўхшаб ҳар кунги янги телефон олиб беринг демасан, Райҳонга ўхшаб кунда янги кийим талаб қилмасам, зўр кийинмасам. Нима қилай, мактабда ҳам ҳеч ким мен билан дўгона бўлмади. Мени ҳеч ким тушунмади. Ҳамма мени тинч қўйсин. Ёлғиз қолгим келяпти.

2018 йил 5 март.

Бугун яна шундай бўлди. Энди Нигора билан сирдош бўламан, гаплашаман, дегандим, менга қарамай, Дурдона билан кетиб қолди. Негга мени ҳамма ёмон кўради, билмайман. Ҳеч кимга ёқмайман. Ҳеч ким менга бирор гапини айтмасин, мен билан яқинлашмасин келмайди. Отам ҳам, онам ҳам мени тушунмади. Уларни яхши кўраман. Лекин барибир мени тушунмади. Менга гапирманлар, индаманлар, ёлғиз қўйинлар мени.

2018 йил 7 май.

Бўлди. Бир қарорга келдим. Узимни ўлдирарман. Ҳамма мендан қутулади. Мен ҳам улардан бирастунла қутуламан. Биланларини қилишини. Энди ҳеч ким билан ишим йўқ. Мактаб ҳам, дўгоналарим ҳам, ўқим ҳам жонимга теғди. Хоҳлаганларини қилишини. Катта бўлсам, шифокор бўламан, оқ халат кияман, дегандим. Бунга ишонмай қўйдим. Йўқ, энди ундай бўлмайди. Энди менга фарқи йўқ...

бўлса керак, деб тушунибман. Ўзим ўқитувчиман. Бундай ёшда қизларга бир гап кам, иккитаси кўплик қилади, ўтиб кетди-да, деб ўйлабман. Ҳаёт ташвишлари билан эртдан кечгача шулар учун оворамиз. У бунинг тўғри тушунарди. Менга рўзғор ишларида ёрданми эди. Одамвороқ бўлиб қолганини ҳам ақл қилиб, қўйилиб қолганидан деб, хато қилдимми? Кечалари билан уйқум келмасдан ўйлаб чиқаман, нима қилиб, шу ахволга тушиб қолдик экан? Унинг гапларига вақтида эътибор қаратишим керакмиди? Катта қизимда қийин кечмагандай баалоғат ёши. Бунда шу жараёнда ёнида бўлолмадикми? Она бўлиб ҳис унинг юрагидикини ўз вақтида ҳис қилмаганим учун ўзимни кечиролмайман.

### Опаси:

— Синглим Замира билан яқин ўртоқ эдик, деб айтолмайман. Кўпинча сал нарсанинг устида ҳам талашиб қолардик. Ота-онам у кичкина-ку, сен сал ён боссанг бўлмайди, деб мени кўп қойишган. Аммо, барибир опалигим тутиб унга қизганчилик қилганман. Дарсларида ҳам ёрдан бергим келмасди. Ўзи билиб қилса-да, деб туравардим. Синглимининг нима учун бу ишни қилганини мен ҳам кўп ўйладим. Охириги пайтларда ўзи ҳам бошқачароқ бўлиб юрвди. Ўртоқларига ҳам қўшилмасди. Уйдан чиқисаи келмасди. Камдан-кам қуларди. Фақат йил-ламсираб, чехраси ҳеч очилмасди. Жуда жижжак бўлиб қолганди.

### Синфдоши:

— Мактабда Замира «аъло» баҳо-ларга бўлмаса-да, яхши ўқирди. Уй вазибаларини ўз вақтида бажарарди. Ёшлигидан юмшоқтабнат, мулойим, мўмин-қобил, индамас қиз эди. Кўп нарсани ичига ютиши билан ажралиб турарди. Ўртоқлари кўп эмасди. У-бу жойга бораемиз, десак ҳам қўшилмасди. Синфимиздаги орқа партада ўтирадиган қизлардан эди.

Шу воқеадан кейин кўп мутахассислар келиб биз билан суҳбатлар ўтказди. Ҳар хил тестлар олишди. Аммо

Замиранинг бу ишини ҳеч ким тушунмади, изоҳлаб бера олмади. Биз ҳам хайрон қолдик. Тўғри, охириги пайтларда жуда жижжак, бошқача бўлиб қолганди. Ийгишлар билан умуман гаплашмасди, ҳатто қизлар билан ҳам ўртоқ бўлгиси келмасди. Дарсларда ҳам бир неча марта ҳаёл суриб ўтирганини кўрганман. Гўё бизни умуман эшитмаётгандек тутарди ўзини.

### Ўқитувчиси:

— Замира ёмон ўқимасди. Табиий гуманитар фанларга кўпроқ қизиқарди. Келажакда шифокор бўлишни орзу қиларди. Юриш-туриши ҳам, одоби ҳам яхшигина қиз эди. Бирор марта синфдошлари билан жанжаллашганини, сабабсиз дарсларни қолдирганини билмайман. Тўғри, жуда фаол эмасди, индамай қириб-чиқиб юрарди. Бу хабарни эшитганда, хайрон қолдик. Ота-онасига аччидик.

Балки мактабимизда ҳақиқий психолог мутахассис ишлаганида, ўғил-қизлар билан доимий равишда суҳбатлар ўтказиб турганида, шу иш бўлмасмиди. Психологимиз бор, аммо у мутахассис эмас. Вақти-вақти билан болаларнинг руҳий ҳолатини ўрганадиган тестлар ўтказиб олмайдди. Ўтказган тақдирда ҳам уру мутахассис сифатида таҳлил қилиб, керакли хулосаларни чиқара олмайдди, назаримда. Балки Замира ёшлик қилди, нима сабабдан бу ишга қўлини, бу ишнинг жуда катта гуноҳ эканини билмадимми? Наҳотки, билмасан. Биз гафлатда қолдик.

### Маҳалла раиси:

— Ҳамидуллаевлар оиласи маҳаллаимиздаги ибратли оилалардан бири. Бирор марта уруш-жанжал билан маҳалла идорасига келмаган. Оила аъзолари ҳеч қандай рўйхатда ҳам турмайдди. Бу вазиятни қандай изоҳлашга оҳимиз.

### Мутахассис изоҳи:

— Замира Ҳамидуллаеванинг отаси

савдо ходими, онаси ўқитувчи бўлиб, оила яхши таъминланган. Маҳаллада обрў-эътиборли оилалардан бўлгани учун маҳалла томонидан воқеа содир бўлишидан олдин ўрганилган.

Юз берган ҳолатдан сўнг маҳалла, Хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар ва прокуратура, шунингдек, бошқа дахлдор давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирокида ҳолат батафсил муҳокама қилинди. Маҳаллада уюшмаган ёшлар билан мақсадли ва манзилли чора-тадбирлар амалга оширилганини аниқланди.

Замира тахсил олган мактабда 528 нафар ўқувчи бор. Мактаб директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психолог билан суҳбатлашилди.

Психолог томонидан умумий йўналишда тестлар ўтказилган. Суицид ҳолати юз берганидан сўнг суицидга оид тест ўтказилган, аммо мазкур тест натижалари, олинган хулосалар, тестнинг характери, мазмуни ҳақидаги саволларга қониқарли жавоб олинмади. Маълум бўлдики, психолог мутахассис сифатида талабага жавоб бермади.

Мактаб директорининг ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар, жумладан, суициднинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган. Шунингдек, мактаб директори ўз телефон рақамини «ишонч телефони» сифатида тақдим этганини айтса-да, телефон орқали мурожаатлари қайд этилмаган, ҳеч қандай рўйхат йўқлиги «ишонч телефони» ишласлигидан далолат беради.

Сабаблар, изоҳлар турлича. Аммо, нима бўлганда ҳам вояга етмаган, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чуқлигини тотмаган, билмаган бир қиз ўзини шу оилага, мактабга, умуман, жамиятга ортиқча ва кераксиз деб ҳис қилди. Худқушликка қўл урди. Бугун унинг сабабларини, оқибатларини санашдан, ёки айбдорларни қидиришдан йироқмиз. Фақат бу жиноят замирида ҳар бир инсонга, ҳар бир юрtdошимизга дахлдор бир масала борки, яқин атрафимиздагилар, биз ардоқлаган инсонлар ва умуман, ҳамма-ҳаммага нисбатан янада эътиборли, янада меҳрибон бўлиш масъулиятини юклайди.



Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг йиллик дастурига ўз жониға қасд ва суиқасд ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар киритилмаган.

### Психолог:

— Бу ёшда ўз жониға қасд қилиш намойишкорона кўриниш ҳисобланади. Усмирларнинг суицидал хулқига тенгдошлари ва ота-оналари билан шахсларга муносабатларнинг таъсири сифатида қараш мумкин. Яъни ёши даври кризислари сабабли шахс ижтимоий муҳит, ўзгаришлар, муаммоларни енгиб ўтишга мослаша олмади. Баззан, ҳаттоки телевидение орқали берилаётган кинолар, роликлар, рекламалар таъсирида ҳам ўз жониға қасд қилишга мойиллик уйғониши мумкин. Агар шу хилдаги саҳналарга кўзи тушса, пессимист инсонларнинг миёсида бу нарсга кўпроқ ўрнашиб, ўзи тушган вазиятнинг ечими сифатида қабул қилади. Кучли тушқунликка, умидсизликка тушиб, ёлғизланиш ҳолатини бошдан кечиришга дош беролмайди.

Мунискон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

# Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги



юртимиз тараққиётига  
муносиб ҳисса қўшаётган қурувчилар,  
меъмор ва муҳандислар, ишчи-ходимларни

## Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини

билан муборакбод этади.

Азиз ҳамкасблар, сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли республикамиз ҳудудларида янги-янги уй-жойлар, йирик саноат корхоналари, ижтимоий ва маданий соҳа объектлари, йўллар, кўприклар ҳамда бошқа кўплаб иншоотлар барпо этилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин чирой ояпти. Ана шу бунёдкорлик ишлари сабабли жонажон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлмоқда.

Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ва шарафли ишларингизда омад ёр бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингиз ҳамда шахсий ҳаётингизга муваффақият, оилангизга бахту саодат, файзу барака тилаймиз.

Машаққатли ва шарафли меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз дўстлар!



ADB

### ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРЕ

Дата — 10 августа 2018 года.

Номер и название займа — 3527-UZB. Проект электрификации железнодорожного участка (Пап — Наманган — Андижан) в рамках Центральноазиатского регионального экономического сотрудничества (ЦАРЭС), транспортный коридор 2.

Номер и название контракта — P02. Поставка оборудования и материалов для внешнего электроснабжения.

Последний срок представления тендерных заявок — 21 сентября 2018 года.

1. Республика Узбекистан обратилась в Азиатский банк развития (АБР) за получением финансирования для осуществления проекта электрификации железнодорожного участка (Пап — Наманган — Андижан) в рамках Центральноазиатского регионального экономического сотрудничества (ЦАРЭС), транспортный коридор 2. Часть данного финансирования будет использована для оплаты

расходов в рамках вышеуказанного контракта. Тендер открыт для участников из приемлемых стран—членов АБР.

2. Акционерное общество «Узбекистон темир йуллари» («Покупатель») приглашает приемлемых участников тендера представить запечатанные заявки на поставку оборудования и материалов для внешнего электроснабжения одним неделимым пакетом («товары»).

Подробная информация и спецификации представлены в тендерном документе.

3. Международные конкурсные торги будут проводиться в соответствии с процедурой проведения одноэтапных одноразовых конвертов АБР и открыты для всех участников торгов из стран, имеющих право на участие, как описано в тендерном документе. Успешное завершение работы в качестве основного поставщика за последние три года по меньшей мере по двум контрактам, каждая из которых оценивается в 4 млн долл. США, характером и сложностью, аналогичной объему поставки, описанному в разделе 6 (график поставки).

4. Заинтересованные приемлемые участники могут получить дополнительную информацию и изучить тендерные документы по нижеуказанному адресу с 9.00 до 18.00 10 августа 2018 года.

• Для получения тендерной документации на английском языке приемлемые участники тендера должны направить письменную заявку по нижеуказанному адресу на приобретение тендерной документации на поставку материалов контактной сети.

5. Заявки должны быть доставлены по нижеуказанному адресу до 15.00 21 сентября 2018 года. К заявкам должны прилагаться гарантии предложения на сумму, указанную в тендерном документе.

6. Заявки, доставленные с опозданием, будут отклонены. Заявки будут вскрыты в присутствии представителей участников тендера, которые пожелают присутствовать по нижеуказанному адресу в 15.00 21 сентября 2018 года.

7. АО «Узбекистон темир йуллари» не несет ответственности за любые затраты или издержки, понесенные участниками тендера, в связи с подготовкой или доставкой заявок.

8. Адрес:

Республика Узбекистан, 100060, г. Ташкент,  
ул. Тараса Шевченко, 7. АО «Узбекистон темир йуллари».  
Телефоны: (+99871) 238-85-56, 237-91-95.  
Факс (+99871) 238-84-49.  
Г-ну Джурраеву А. М., начальнику ГРП-Э, каб. 340.  
Электронная почта: utypiu@gmail.com

ADB

### INVITATION FOR BIDS

Date: 10 AUGUST 2018

Loan No. and Title: 3527-UZB: Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project

Contract No. and Title: P02: Supply of Equipment and Materials for External Power Supply

Deadline for Submission of Bids: 21 SEPTEMBER 2018

1. The Republic of Uzbekistan has applied for financing from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of CAREC Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to Bidders from eligible source countries of ADB.

2. The Joint-Stock Company «O'zbekiston Temir Yo'llari» (the «Purchaser») now invites sealed bids from eligible bidders for Supply of Equipment and Materials for External Power Supply System in one (1) indivisible package (the «Goods»):

Details and specifications are provided in the Bidding Document.

3. International competitive bidding will be conducted in accordance with the ADB's Single-Stage: One-Envelope bidding procedure and is open to all Bidders from eligible countries as described in the Bidding Document. Successful completion as main supplier within the last 3 years, of at least 2 contracts each valued at US\$4M with nature, and complexity similar to the scope of supply described in Section 6 (Schedule of Supply).

4. Interested eligible bidders may obtain further information and inspect the Bidding Document at the address given below from 09:00 to 18:00 hours starting 10 AUGUST 2017.

• To purchase the bidding documents, in English, eligible bidders should write to the address below requesting the Bidding Document for the «Contact System Supply»

5. Bids must be delivered to the address below at or before 15:00 on 21 SEPTEMBER 2018. All bids must be accompanied by a Bid Security in the amount specified in the bid document.

6. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidder's representatives who choose to attend at the address below at 15:00 on 21 SEPTEMBER 2018.

7. Joint-Stock Company «O'zbekiston Temir Yo'llari» will not be responsible for any costs or expenses incurred by bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

8. The address referred to above is:

Joint-Stock Company «O'zbekiston Temir Yo'llari»  
7, Shevchenko St.,  
Tashkent, 100060,  
Uzbekistan.  
Attn Mr A. M. Djuraev  
Head of PIU, Room 340.  
Fax: 998 (71) 238-84-49.  
Phone: 998 (71) 238-87-10, 237-91-95  
E-mail: utypiu@gmail.com

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 972 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўялонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6